



112

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Gulobod qo'rg'oni.
+998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

Б.г. «1» май

№ 587-К

Тумандаги «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Боғиобод» маҳалласида яшовчи фуқаро Ахмедова Гулчехра Уктамовнага тегишли уй-жойини тўлиқ тураржой тоифасидан нотурар жой тоифаси (умумий овқатланиш, маиший хизмат ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахона)га айлантириш ҳақида

Самарқанд шаҳар, Микрорайон-Б кўчаси 1-уй, 33-хонадонда яшовчи фуқаро Ахмедова Гулчехра Уктамовнанинг номига Самарқанд тумани биринчи сон давлат нотариал идораси томонидан 2008 йил 22 июл куни расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан тумандаги «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Боғиобод» маҳалласида 471,48 кв.м. умумий ер майдонида жойлашган уй-жойини тўлиқ нотурар жой тоифаси (умумий овқатланиш, маиший хизмат ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахона)га айлантириб беришни сўраб туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб фуқаро Ахмедова Гулчехра Уктамовнага тегишли уй-жойига туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр хужжатлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида уй жойини кўздан кечириш далолатномаси, турмуш ўртоғи ва фарзандларини розилик аризаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Боғиобод» маҳалласида фуқаро Ахмедова Гулчехра Уктамовнага тегишли уй-жойини тўлиқ нотурар жой тоифага айлантириб бериш ҳақидаги туман ҳокими номига 2015 йил 23 апрелда ёзган 134/9 сонли аризаси ҳамда тақдим этилган барча хужжатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд тумани биринчи сон давлат нотариал идораси томонидан 2008 йил 22 июл куни расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан тумандаги «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Боғиобод» маҳалласида 471,48 кв.м. умумий ер майдонида жойлашган, 162,64 кв.м. қурилиш тагидаги ер майдонида жойлашган уй-жойи (А литердаги 2 та турар-уй, А1-литердаги дарвозахона, А2-литердаги турар-уй, А3-литердаги дарвозахона, А4-литердаги ошхона, Б-литердаги турар-уй, Г-литердаги хожатхона, а)-литердаги темир дарвоза)ни тўлиқ нотурар жой